



Ислом Нури

Бисмиллахи рохманир рохийм

Аллох таъолога хамду санолар, пайгамбаримиз, унинг оиласи, саҳобалари ва уларга яхшилик билан киёмат кунига қадар эргашган барча кишиларга салавот ва саломлар бўлсин.

Сўнг...

Мўъминнинг матонати, роббисига бўлган алоқасининг қуввати ва гўзал хулқи исломий шахсиятнинг асил кўринишидир. Исломий шахсият билангина одамларнинг қалблари жазб этилади ва бу иймон ва эргашиш сабаби бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам даъватчининг ҳаётида эргашининг одамлар ҳаёти ва уларни Ислом даъват этган фазилатлар асосида тарбиялашнинг ўз ўрни ва катта таъсири бордир. Бу эса Аллохнинг қитоби ва расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг суннатларида келган раббоний дастурни шакллаб яшаган инсоний намуна ва етакчиликдир. Бу намуна амалий воқеъда яшаб, раббоний дастурни кўз билан кўринадиган ҳаракатлар ва сулуқлар ила татбиқ қилишни рўёбга чиқаради. Бу эса одамлар қалбида ўзига ҳос из қолдиради ва уларни йўлбошчи шакллаётган нарсаларни иккиланмай қабул қиладиган қилиб қўяди. Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг хулқи ҳақида берилган саволга Оиша онамиз разияллоху анҳонинг берган қуйидаги жавоблари чуқур маъноларни ифодалайди: «У зот (расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам)нинг хулқи Қуръон бўлган эди» (Имом Муслим ривояти).

Гўё Оиша онамиз разияллоху анҳо ўзларининг бу сифатлашлари билан расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг шахсиятларини одамлар ул зотнинг сулуқи ва ҳаракатларида кўриша оладиган Қуръон қилиб қўйдилар... Шунинг учун ҳам йўлбошчи ўзи даъват этаётган



Ислом Нури

асосларнинг амалий намунаси бўлиши керак. Ислом даъватини ёйиш учун гўзал намуна ва олий ўрнак бўлсинки, одамлар унга кўзлари ва калблари билан боксинлар ва ўзларининг йўлларини ёритадиган фазилатларни олсинлар. Бу эса бизнинг солих аждодларимиз Исломни ўз хатти-харакатларида татбик килган пайтларида очик кўринган эди. Зеро, даъватчи ўзининг сулуки, харакатлари ва диннинг амалий татбики билан баъзида сўзлари ва маърузалари билан айта олмаган нарсаларни рўёбга чикариши мумкин. Зиммасига Аллохнинг йўлига даъват этиш масъулиятини олган солих йўлбошчи ўзининг хар бир ишида Ислом ахлоки билан хулкланиши ва эҳтиёт чораларини кўриши керак. Чунки, унинг атрофига тўпланган ва уни ўраб турганлар унга танкид кўзи билан караб, унинг барча харакатлари ва кадамларини назардан четда кўймайдилар. Зеро, у улар учун ўрнак манбаидир.

Гўзал намуна — Аллох йўлига даъват этиш воситаларининг энг мухими ва энг таъсирлисидир. Чунки кўплаб одамлар ўзларига айтилган сўзларга уларнинг амалий воқеъларини кўриб каноат хосил килмагунларича, кулок солмайдилар ва амал килмайдилар. Улар қандай амал килсинлар?! Ахир Аллох таъоло Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламга ўзидан аввал яшаб ўтган пайгамбарларга эргашишга амр этдику!! Аллох таъоло деди: «**Ана ўша** (юкорида мазкур бўлган зотлар) **Аллох хидоят килган зотлардир. Бас,** (Эй Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам), **Сиз ўшаларнинг йўлларигагина эргашинг!**» (Анъом: 90).

Хўш пайгамбарларнинг вазифалари нима эди? Хозир уларнинг вазифаларини ким бажаради?

Пайгамбарларнинг вазифалари бу дунёдаги шарафли, буюк ва олий гоядир... Негаки, у Аллохнинг ўзига шериксиз ибодат килиш учун



Ислом Нури

даъватдир. Аллох таъоло деди: «(Эй Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам), **Биз сиздан аввал юборган хар бир пайгамбарга хам: «Хеч кандай (хакли) илох йўк, Ёлгиз Менгина хакдирман бас, менгагина ибодат килинглар» — деб вахий килганмиз»** (Анбиё: 25).

Пайгамбарларнинг барчаси Аллохга даъват килишда иттифок келдилар. Шунинг учун хам уларнинг барчаси ўз кавмларига: «**Эй кавмим, Аллохгагина ибодат килинглар! Сизлар учун ундан ўзга хакикий илох йўк»** — деб хитоб килдилар.

Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам пайгамбарларнинг сўнггиси ва энг афзали бўлганлари учун хам унга эргашганлар пайгамбарларнинг вазифаси билан шугулланиб, одамларни онгли суратда даъват этмокдалар. Аллох таъоло деди: «**Айтинг: “менинг йўлим шудир. Мен Оллохга даъват киламан. Мен ва менга эргашган кишилар аник хужжатга-ишончга эгамиз. (Хар кандай шерикдан) Оллохни поклайман. (Зеро), Мен мушриклардан эмасман”**» (Юсуф: 108).

Пайгамбарларга эргашган ва уларнинг вазифаларини бажараётган кишилар Аллохнинг йўлига даъват килувчи, яхшиликка буюриб, ёмонликдан кайтарувчилар бўлиб, пайгамбарларнинг ворисларидир. Аллох тоъоло улар хакида шундай деди: «(Одамларни) **Аллох** (нинг дини)га даъват килган ва ўзи хам яхши амал килиб, **“Мен мусулмонлардандирман”** — деган кишидан хам **чиройлирок сўз айтган ким бор?**» (Фуссилат: 33)

Шу нуктадан келиб чикиб айтамизки, Аллох йўлига даъват этаётган кимсалар куйидаги сифатлар билан сифатланишлари керак:



Ислом Нури

1. Билган илмини холис етказиш ва риёкорликдан узок бўлиш

Бу, расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг куйидаги сўзларига биноан, яхши ният билан бўлади: «Амаллар ниятга караб бўлади. Хар бир киши учун ўз нияти бўлади» (Муттафакун алайх)

Шунинг учун ҳам яхши ният, Аллох учун амалларни холис килиш ва уларда Аллохдан бошка бирорта учун насиба кўймаслик керак. Аллох таъоло деди: «**Улар Аллохгагина динни холис килиб ибодат килиш учун буюрилдилар**» (Баййина: 5).

Баъзи солих кишилар: «Илм амал килишга, амал эса ихлосга боғлиқдир. Ихлос эса Аллох хақидаги тўғри тушунчани келтириб чиқаради» — дедилар.

Даъватчи ўзининг сўзи ва амалларида канчалик ихлосли бўлса, унинг одамларнинг калбларига бўлган таъсири шунча кучли бўлади.

Даъватчи дўстим, даъватингиз билан риёкорлик ва обрў топишдан узок бўлинг! Чунки, бу иккиси амалларни барбод қилади. Аллох таъоло эса, ўзи учун холис бўлган амалларни қабул қилади.

Аллох йўлидаги дўстим, Абу Хурайра разияллоху анхунинг киёмат кунида жаханнам олови камраб олган уч киши хақида ривоят қилган хадисини ёдингизда тутинг: «Илмни ўрганиб, ўргатган ва Куръонни ўқиган, сўнгра эса (Киёмат кунида) Аллохнинг хузурига олиб келинган кишига Аллохнинг неъматлари танитилади. У неъматларни танийди. (Аллох таъоло): «Нима амаллар қилдинг?» – деб сўрайди. У: «ўргандим, ўргатдим ва сен учун Куръон ўқидим» – дейди. (Аллох таъоло): «Ёлгон гапирдинг, сен: «Мени олим десинлар» учун илм ўргандинг, «Кори десинлар» учун Куръон ўқидинг. Шундай дейилди



Ислом Нури

хам» – дейди. Уни юзи билан жаханнамга отилади...» (Имом Муслим ривояти).

Аллоху акбар! Эй Аллохнинг бандаси, бу хадис хакида тафаккур килиб кўринг. Аллох номига онт ичиб айтаманки, калб ўшандай одам бўлиб қолишдан кўркиб титрайди. Абу хурайра разияллоху анху бу хадисни ривоят қилар экан каттик хўрсинар, тоби кочиб хушидан кетар ва кейинрок хушига келар эди.

Бу хадисни Муовия разияллоху анхуга ривоят қилинганда шундай каттик йиглади-ки, одамлар уни тамом, халок бўлди деб ўйлашди.

2. Аллохнинг китоби ва расулулох саллаллоху алайхи ва салламнинг суннатларидан олинган шаръий илмга эга бўлиш.

Пайғамбарлар йўлидан юраётган ва уларнинг даъватларини қилаётган даъватчи Каломуллох ва суннати расулуллох саллаллоху алайхи ва салламдан олинган шаръий илм билан озикланиши керак. Зеро, расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: «Уламолар пайғамбарларнинг ворисларидир. Пайғамбарлар динор ва дирхамни мерос қилиб қолдирмадилар. Балки, улар илмни мерос қилиб қолдирдилар. Ким уни олса, етарли насибани олибди» — дедилар (Сахихут-Термизий)

Даъватчи дўстим, агар сиз ўз даъватингизда Куръон ва суннатга эргашаётган бўлсангиз, пайғамбаримизнинг башоратлари сизга муборак бўлсин!

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: «Илм излаш ҳар бир мусулмонга фарздир» — дедилар. (Сахих хадис. Имом Байхакий: «Шуабул-иймон»)



Ислом Нури

Демак илм излаш мусулмонлар оммасига фарз бўлар экан, талаб илм олим ва даъватчиларга Аллох хакида билмасдан бирон нарсани айтиб кўймасликлари ҳамда одамларга динни тўғри ўргатишлари учун фарзрок ва лозимрокдир. Даъватчининг шаръий илм ва Исломи ахлоқдан иборат калкони бўлмас экан, одамларни нимага ҳам даъват эта олади. Аввалгиларнинг бир гапи бор: «Ўзингда йўгини ўзгага кандай берасан». Ушбу муборак илмга эса содик ният, ихлос, сабр, уламолар билан мусохабалар килиш, улардан илм олиш, илм излаб сафарга чиқиш, калбни дунё ишлари билан чалгитмаслик ва илмга амал килиш билан етишиш мумкин.

3. Илмига амал килиш.

Амал илмнинг самарасидир. Амалсиз илм мевасиз дарахтга ўхшайди. Аллох таъоло мўъминларни амалсиз илмдан огоҳ этиб, уларга хитобан шундай деди: **«Эй мўъминлар, нега сизлар ўзларингиз килмайдиган нарсани (киламиз, деб) айтурсизлар?! Сизларнинг ўзларингиз килмайдаган ишни (киламиз деб) айтишларингиз Оллох наздида ўта манфур (ишдир)»** (Саф:2,3)

Аллох таъоло «Жумъа» сурасида илм (китоблар)ни кўтарган, бироқ, унга амал килмаган киши хакида устига китоблар ортилган эшакни зарбул-масал килди: **«(Устларига) Таврот юкланган, сўнгра уни кўтара олмаган (яъни, унинг кўрсатмаларига амал килмаган) кимсалар (яхудийлар)нинг мисоли худди (устига ортиб кўйилган) китобларни кўтариб кетаётган эшакка ўхшайди (яъни, бу кимсалар унинг вазминлигидан чарчаб-толадилар-у, аммо у Китобнинг ичидаги нарсалардан фойдаланмайдилар). Аллохнинг оятларини ёлгон, деган кавмнинг мисоли нақадар ёмондир. Аллох бундай золим кавмни хидоят килмас!»**. (Жумъа:5)



Ислом Нури

Бас, яхудийлар билган, бироқ илмига амал килмаганликлари учун Аллох таъоло уларни: «уларга газаб килинганлар» — деб, масихий (христиан)лар эса Аллох таъолога билимсиз-жохилона ибодат килганлари учун Аллох таъоло уларни: «...адашганлар» — деб номлади. Бизлар намозимизнинг ҳар бир ракатида Аллох таъолодан уларнинг йўлларида панох сўраб, ўзининг тўғри йўлига хидоят қилишига «Ихдинас-сиротол мустакийм сиротоллазийна анъамта алайхим гойрил-магзууби алайхим валаззоллийн» деб, илтижо қиламиз. «... Бизларни шундай зотларнинг йўлига бошлагинки, Сен Ўзинг уларга (Тўғри йўлни) инъом қилгансан — улар (Сен томондан) газабга дучор бўлмаганлар ва залолатга кетмаганлар — адашмаганлар.» (Фотиха:5-7)

Даъватчи дўстим, сўзингиз амалингизга хилоф бўлмасин. Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг ушбу ҳадисларини ҳеч ҳам унутманг: «Киёмат кунида бир кишини олиб келинади ва жаханнамга отилади. Унинг ичак-чавоклари отилиб чиқади ва у, эшак тегирмон атрофида айланганидек, ичаклари атрофида айланади. Жаханнам ахли унинг қошига тўпланиб: «Эй фалончи, сенга нима бўлди? Сен яхшилиққа буюриб, ёмонликлардан қайтарар эдинг-ку?!» — дейдилар. У: «Мен сизларни яхшилиққа буюрардим, бироқ, ўзим яхшилиқларни қилмас эдим. Ёмонликлардан қайтарардим, бироқ ўзим ёмонликларни қилар эдим» — дейди». (Сахихут-тарғиб ват-тарғиб)

4. Даъватни пайғамбарлар олиб боргандек олиб бориш.

Даъватни, Пайғамбарлар одамларни даъват этишда, биринчи навбатда бошлашганлари - Аллохнинг бандалар устидаги ҳаққи - тавҳидга чақиришдан бошлаш. Куръони қарим каттик эътибор берган ушбу мавзуга диққатни қаратиш. Бундаги ўрнагингиз Муҳаммад соллаллоху



Ислом Нури

алайхи ва саллам бўлсинлар. Ул зот ўн уч йил давомида одамларни тўпланиш ерлари, сайиллар ва хаж мавсумида Аллохни ягона деб эътикод қилишга, Ундан ўзга барча олихаларга ибодат қилишни тарк этишга даъват этганлар. (холбуки, бу «Ла илаха иллаллох» калимасини рўёбга чиқариш учун эди). Бу ўзгармас асосга боғланиш пайғамбарлар даъватининг манбаидир. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам Макка шаҳрида саҳобаларга тавҳид асосида ўн уч йил тарбия бердилар. Хатто мамлакатларни фатх этган ва Исломни ёйган кўмонданларнинг барчаси Аркам ибн Абил Аркамнинг Маккадаги ховлисида таълим олишнинг баракотидан келиб чиққан эдилар... Шунинг учун ҳам, биз ишни даъватдан, уни қалбларга ўрнатишдан бошлайликки, қалблар тоғут – Шайтон ва Шайтонларнинг одамлар ичидаги малайлари – хокимлар олдида сабот билан тура олсин. Илмсиз бирлашиш, гурухлашиш ва хиссиётларни кўзгаш пайғамбарлар суннатига зиддир. **Азиз дўстим, буларни билган бўлсангиз, илмингизга амал қилинг!**

5. Аллохга даъват этишда «хикматга асосланган йўл»дан юриш.

Бу ҳақда Аллох таъоло шундай деган: «(Эй Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам), **Роббингизнинг йўлига — динига донолик — хикмат ва чиройли панд-насихат билан даъват қилинг!**

Улар (сиз билан талашиб-тортишадиган кимсалар) **билан энг гўзал бўлган нарсалар билангина мужодала — мунозара қилинг!**» (Нахл: 125)

«Айтинг: “менинг йўлим шудир. Мен Оллохга даъват қиламан. Мен ва менга эргашган кишилар аниқ хужжатга-ишончга эгамиз.» (Юсуф: 108)



Ислом Нури

Бу вазифани бажараётган хар бир киши хикмат ва чиройли панд-насихат йўлини тутиши, пайгамбарлар юрган йўлдан юриши, одамларга меҳрибон, ширинсўз ва уларнинг калбларини ўзига ром этиш ҳамда даъватини севимли килиб кўрсатиш учун мулойим бўлиши керак.

Мусулмон дўстим, тўгри, дини учун хамиятли бўлган кишини гунохлар, Аллохнинг конунларига риоя килмаслик, харом килинган амалларнинг кўп содир бўлиши кийнайди. Бирок, у киши гунох ишдан кайтариш учун хикмат доирасидан чикмаслиги ва ширин сўзларни истеъмол килиши керак. Сиз ўз даъватингиз учун Аллох таъолонинг: **«Кимга хикмат берилган бўлса, бас, мухаккакки, унга кўп яхшилик берилибди»** (Бакара: 269) деб айтган сўзини мезон ва юрадиган йўл килиб олинг. Аллох сизга муваффиятлар берсин!

6. Сабр-токатли бўлиш.

Мусибат ва хатарлар нақадар кўп бўлмасин, бу йўлда давом этаётган кишининг сабр-токатли бўлиши шартдир. Даъват йўли огир ва машаккатлидир. У йўлга гуллардан пойандозлар солинган, деб ўйламанг. У озорлар, истихзолар ва хатарлар билан тўладир. Куръони карим сизга, барча пайгамбарлар (уларга Аллохнинг салавот ва саломлари бўлсин) бу йўлда бошдан кечирган кийинчиликларини кисса килиб берди. Охират куни бир пайгамбарнинг ёнида бир ёки икки киши бўлади. Бир пайгамбарнинг ёнида эса ҳеч ким бўлмайди. Шундай бўлсада пайгамбарларнинг иродаси букилмади. Балки улар роббиларининг пайгомини етказишда барча озорларга қарши матонат билан туриб, умматларига насихат килиб, даъватларида давом этдилар. Зеро, даъватчининг ислом учун воқеъий галабани рўёбга



Ислом Нури

чикариши талаб килинмаган. Чунки, у Аллохнинг ишидир. Аллох қачон хохла са галаба келади. Даъватчидан фақат, шу йўлда бор кучини сарф этишигина талаб килинган, холос. Аллох таъоло ҳам пайғамбарларга: **«Сизнинг зиммангизда фақат (Биз Сизга нозил килган ваҳйни) етказиш бор, холос»** — деб хитоб килди. (Шуро: 48)

Пайғамбарлар ҳам: «Бизларнинг зиммамизда (Оллохнинг ваҳйсини сизларга) очик-равшан етказишигина бордир.» — дер эдилар. (Ёсин: 17)

Шунингдек даъватчи даъват самараларини териб олишга шошилмаслиги, – чунки бу, сабр-тоқатли, матонатли даъватчига хос иш эмасдир – балки, у Аллох таъолога суянган холида даъватида давом этавериши керак. У шуни ҳам унутмаслиги керакки, уммат учун сарф этилган хар бир соғлом харакат Аллохнинг изни билан ўз самарасини беради. Шунинг учун у гўзал хулқ ва хикмат билан даъват килишда сабр килсин. Аллох таъоло деди: **«Улар айтаётган сўзларга сабр килинг ва уларни чиройли тарқ этинг!»** (Муззаммил: 10)

Даъватчи дўстим, билингки, сабр катъий ишончнинг белгисидир. Аллох таъоло деди: **«Улар (ўз динлари йўлида бало-кулфатларга) сабр-тоқат килишгач, Биз улардан Бизнинг амримиз билан (одамларни) хидоят киладиган пешволарни чикардик. Улар Бизнинг оятларимизга катъий ишонар эдилар».** (Сажда: 24)

Хотима ўларок шуни айтмоқчимиз: даъватчи бошқалар учун ўрнак-намуна, шубхали ерлар ва масалалардан узок бўлиши, дунёни оёқлари остида килиши, унга хизматкор бўлмаслиги, одамлар уни дунё ёки мансаб толиби деб тушунмасликлари ҳамда унинг сўзи ва амали ўртасида зиддият бўлмаслиги керак.



Аллох таъоло бизни ва сизни адашмайдиган ва адаштирмайдиган, хидоятланган ва хидоятга етаклайдиган, яхшиликка чакириб, пайгамбарларнинг йўлларига эргашадиган кишилар жумласидан килсин!

Аллоху акбар! Шараф Аллох учун, Аллохнинг пайгамбари ва мўъминлар учундир